



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 20 февраль, № 35 (7265)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



СИРДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ МАНЗИЛИ СИФАТИДА НАМУНА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган
ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш,
халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелда Сирдарёга ташрифи давомида берилган топшириқлар ва Сайхунобод туманида ўтган йиғилиш якунига асосан, вилоятни 2018-2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида қиймати 6,3 триллион сўмлик 302 та лойиҳа амалга оширилиб, 15 минг 458 янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган эди.

Президентимиз вилоятга бу галги ташрифини Сирдарё туманидаги “Сирдарё универсал ойна” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишишдан бошлади. “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ташкил этилган мазкур корхонада фармацевтика ва озик-овқат саноати учун шиша идишлар ишлаб чиқарилади. Утган йил июнь ойида фаолият бошлаган корхонада қиймати 50,1 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз фармацевтика саноатида шу пайтгача ҳар йили 4 миллион долларлик шиша флаконлар импорт қилинар эди. Ушбу корхона ишга тушгач, юртимиз фармацевтика корхоналарига шиша идишлар етказиб бериш имконияти кенгайди.

Марказий Осиёда ягона ушбу корхонада айна пайтда 100 дан ортиқ турдаги шиша идишлар тайёрланмоқда. Корхонага Германия, Чехия ва Францияда ишлаб чиқарилган энг замонавий технологиялар ўрнатилган, ишлаб чиқаришда тўлиқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади.

Жорий йилдан тўла қувват билан ишлайдиган корхонада йилга 102 миллион дона шиша идиш ишлаб чиқарилади, 2 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кутилмоқда. Корхонада 450 киши иш билан таъминланган.

Президентимиз шиша идишлар ишлаб чиқариш жараёни, тайёрланаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Шу ерда “Сирдарё универсал ойна” корхонаси томонидан кластер усулида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Корхона ёнида “Сирдарё гласс” МЧЖ томонидан янги технология асосида бир вақтнинг ўзида фармацевтика ва озик-овқат саноати учун уч хил рангли шиша идишлар тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Келаси йил ишга тушириладиган корхонада 500 иш ўрни яратилади, йилга 3,7 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади.

“Сирдарё шиша” МЧЖ томонидан шиша идишлар учун кварц кумини қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. Йилга 438 минг тонна кум қайта ишланадиган корхона учун “Асака” банкидан 5 миллион долларлик кредит ажратилади, 5,1 миллион доллар корхонанинг ўз маблағидир.

“Сирдарё универсал ойна” ва “Сирдарё гласс” корхоналарида ишлатиб бўлинган иссиқлик энергиясидан фойдаланиб, Европа типидagi иссиқхонада сабзавот етиштириш режалаштирилмоқда. Унга кўра, “Сирдарё универсал ойна” корхонаси ёнида 10 гектарлик иссиқхона барпо этилади. Лойиҳа беш босқичдан иборат бўлиб, иссиқхоналарни бошқаришнинг тўлиқ автоматлаштирилган тизими, сувни қайта циркуляция қилиш ва ёмғир сувидан фойдаланиш, сифат назорати, ишлаб чиқариш, ресурслар билан таъминлашнинг европача тизимини қамраб олади.

Ушбу иссиқхонада йилга 2,5 минг тонна маҳсулот етиштириш, 6 миллион доллар атрофида соф даромад олиш ҳамда 5 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

“Сирдарё фиш техноложн” МЧЖ томони-

дан ёпиқ сув айланма тизими орқали балиқ етиштириш ва қайта ишлаш режалаштирилган. 2020 йилда ишга тушириладиган ушбу лойиҳа самарасида йилга 2 минг 750 тоннадан зиёд балиқ етиштирилади.

“Сирдарё гласс” корхонаси томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳамда консервалаш йўлга қўйилади. Ушбу лойиҳа орқали йилга 3 минг тонна маҳсулот қайта ишланади, 140 иш ўрни яратилади. Бу вилоятда етиштирилаётган мева-сабзавотларни қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш ҳажминини ошириш имконини беради.

Шу ернинг ўзида вилоятда инвестиция маблағлари асосида фармацевтика, тўқима-чилик, электротехника маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Фарход ГЭСини модернизация қилиш, Сардоба сув омбори қошида кичик ГЭС қуриш лойиҳалари, “Сирдарё голден фрутс” МЧЖ томонидан туманда ташкил этилган кўп тармоқли логистика маркази тақдиротлари ўтказилди. Мамлакатимизнинг Хитой, Италия ва Қозғистон давлатларидаги элчилари вилоятга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш, ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва экспорт ҳажминини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот берди.

Давлатимиз раҳбари вилоят иқтисодий салоҳияти ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда ушбу инвестицион лойиҳаларнинг аҳамияти юқори эканини таъкидлаб, уларни амалга ошириш мuddатларини қисқартириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президентимиз Сирдарё вилоятининг Ховос туманига ташриф буюриб, дастлаб Ховос шаҳарчасининг бош режаси билан танишди. “Мирзачўл тахрибаси” асосида Ховос ша-

ҳарчасининг янги маркази бунёд этилиши режалаштирилган. М-39 автомобиль йўли бўйидаги 42 гектар ҳудудда комплекс қурилиш ишлари лойиҳалаштирилган. Унга мувофиқ, бу ерда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари бинолари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, турар-жойлар, мактаблар, истироҳат боғи, хотира майдони, кинотеатр, кутубхона, масжид, бозор, савдо ва маиший хизмат шохобчалари қурилади. Йўл инфратузилмаси ривожлантирилиб, аҳоли ва транспорт учун янада қулайлиқлар яратилади.

Ховосда охириги эллик йил давомида биронта кўп қаватли уй қурилмаган. Одамлар эски, тор, зах уйларда яшаб келган. Энди ҳар йили кўп қаватли янги уйлар барпо этилиб, аҳолининг ижтимоий шароитлари босқичма-босқич яхшиланиб боради. Оилавий шароити яхшилانган инсоннинг умиди, эртанги кунга ишончи ҳам мустаҳкамланади.

Шу мақсадга хизмат қиладиган яна бир хайрли ташаббус: “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти томонидан Сирдарё вилоятида 32 та тикувчилик мажмуаси ташкил этиш режалаштирилган. Бу цехларда жами 4 минг 200 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Президентимиз шу ерда ховослик нуронийлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимизда катта ўзгаришлар амалга оширилаётгани, давлат билан бирга одамлар ҳам уйғониши, фаровон яшашга интилиши кераклиги таъкидланди. Ховосликлар вилоят ривожини, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган янги режалар уларнинг ҳаётга муносабатини ўзгариштиришидан мамнунлигини қайд этдилар.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари тумандаги “GRAN RUTA DE LA SEDA” корхонаси томонидан замонавий усулда ташкил этилган гидропоника иссиқхона мажмуасини кўздан кечирди.

Бутунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудда гидропоника усулида иссиқхоналар қурилмоқда. Бу эса сифатли полиз маҳсулотлари етиштириш, қўплас иш ўринлари яратиш имконини беради. Мутахассисларнинг фикрича, оддий усулда етиштирилаётган помидор кўчатларидан 3 килограмм ҳосил олинса, гидропоника усулида ҳосилдорлик 12 килограммгача етади. Экинларнинг пишиб етилиши 25 – 30 кунга қисқаради.

Мазкур иссиқхоналарда Голландиядан серҳосил помидор ва бодринг навлари келтирилиб экилган. Бутун жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Корея Республикасидан олиб келинган замонавий жиҳозлар ҳароратни, ўсимликнинг сув ва озۇқга талабини чуқур таҳлил орқали аниқлайди ва минераллар билан бойитилган сув томчилатиш усулида ўсимлик илдизига етказилади.

Иссиқхонада йилга 1 минг 500 тонна помидор етиштирилади. Шунингдек, 2 миллион долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти экспорт қилинади. Корхона томонидан жорий йилнинг учинчи чорагида яна 10 гектар иссиқхонани ишга тушириш режалаштирилган.

Президентимиз мазкур иссиқхонани кенгайтириш, Жанубий Кореядан келтирилиб, фойдаланилаётган замонавий технологияларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва харажани камайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Янгирер шаҳрида ташкил этилиши режалаштирилган аммиак ва карбамид заводи қурилиши майдонида бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.



INTERNATIONAL CONFERENCE
«CENTRAL ASIAN CONNECTIVITY:
CHALLENGES AND NEW OPPORTUNITIES»
TASHKENT, 19-20 FEBRUARY 2019

гиланган. Бу 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўз ифода-сини топган. Ушбу дастуриламал ҳужжатда мамлакатимизнинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик, аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш устувор вазифа сифатида мустаҳкамланган. Бинобарин, тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий топган Марказий Осиё — Ўзбекистон интиладиган энг муҳим мақсаддир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5552-сонли Фармонида мувофиқ, эксперимент тариқасида 444 та бўш турган давлат кўчмас мулк объекти 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилиб, шундан 310 та объект 172 миллиард сўм инвестиция киритиш ҳамда 3 536 та янги иш ўрни яратиш шарти билан 11,2 миллиард сўмга сотилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикасини Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5552-сонли Фармонида белгиланган **давлат мулки объектларини сотиш тартибини соддалаштириш бўйича эксперимент ўтказиш мuddатини 2020 йил 1 январга қадар узайтириш ҳақидаги** таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридagi Махбурий ижро бюроси қошидаги “Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази” давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўтказилсин ва у мазкур Марказининг таъсисчиси сифатида белгилансин.

4. Белгилаб қўйилсинки: давлат мулки объектларини (акциялардан ташқари) сотиш бўйича савдолар “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида амалга оширилади;

2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича савдолар “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 19 февраль куни

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг
мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 28 февраль куни Тошкент шаҳрида қачириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига олиб борилган демократик ислохотлар ва ўзгаришларнинг самарадорлигини таъминлашга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ижро этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилган.

“Ўзбекистон Республи-

касининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Шунингдек, сенаторлар айрим қонун ҳужжатларига ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулияти кучайтирилиши, айрим давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти, жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқадилар.

Марказий Осиё: МУШТАРАК МАҚСАДЛАР, ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК

Кеча Тошкент шаҳрида «Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар» мавзуида халқаро конференция иш бошлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Афғонистон, АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Дания, Исроил, Испания, Италия, Кувейт, Латвия, Миср, Нидерландия, Озарбайжон, Покистон, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Таиланд, Тожикистон,

Туркия, Туркменистон, Украина, Финляндия, Франция, Хитой, Швеция, Шотландия, Эрон, Япония, Қирғизистон, Қозғистон, Ҳиндистон каби мамлакатлар, шунингдек, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа инвестицион банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда тахлилий марказларнинг юздан зиёд экспертлари, етакчи хорижий ОАВ ходимлари қатнашмоқда.

Дарҳақиқат, бугун дунё шиддат билан ўзгариб борапти. Марказий

Осиё ноёб геостратегик ҳудудни эгаллаган ҳолда минг йиллар давомида Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлаб турувчи ўзига хос кўприк бўлган. Минтақамиз бой энергетик ҳамда минерал ресурслар, маданий-цивилизациявий ва энг муҳими, улкан инсон салоҳиятига эга.

Марказий Осиёни осойишталик, барқарор тараққиёт ҳамда яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш Президентимиз томонидан Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида бел-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш учун электрон савдоларга чиқаришда улар бўйича ижара тўловининг энг кам ставкаси объектни балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш мақсадида кўрсатилган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда кўрсатилади;

“E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасига 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича қўйилган давлат кўчмас мулк объектлари улар тўлиқ сотилмагунга қадар савдолардан олинмайди.

5. Қўйидагилар:

“**E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;**

белгиланган тартибда сотилиши лозим бўлган давлат мулки объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ; келгусида самарали фойдаланиш учун давлат органларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилиши лозим бўлган давлат мулки объектлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат тендер комиссияси) таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой мuddатда:

мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган тегишли ер участкалари, бино ва иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари тайёрланишини ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг 3-иловасида кўрсатилган давлат мулки объектларини қабул қилиш-топириш ишларини, шунингдек, улардан келгусида самарали фойдаланилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

СИРДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ МАНЗИЛИ СИФАТИДА НАМУНА БЎЛАДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини диверсификация қилиш, махсулот етиштиришни кўпайтириш ва экспортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ер унумдорлигини ошириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни талаб этади.

Шу боис “Ўзкимсансаноат” акциядорлик жамияти томонидан “Samsung Engineering” компанияси билан ҳамкорликда аммиак ва карбамид заводи қуриш режалаштирилган. Умумий қиймати 600 миллион доллар бўлган мазкур заводда йилга 400 минг тонна аммиак, 660 минг тонна карбамид ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хориждан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилади, “ноу-хау”лар қўлланилади. 500 доимий иш ўрни яратилади. Завод қурилиши учун жуда кўлай ҳўи танланган. Бу ерда табиий газ манбаи, электр ва сув таъминоти тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар бор.

Сирдарёдагидек қўлай инфратузилма ҳеч қаерда йўқ. Бундай имконият заводни қуриш ва барқарор ишлатишда кўл келади, инвесторлар қизиқишини оширади. Бу жуда рентабелли, истикболли лойиҳа, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарига қорхонанинг иқтисодий самардорлиги, қурилиш ишлари ҳадвали ҳақида маълумот берилди. Президентимиз завод махсулотлари ички талабни қондириш ва ташқи бозорга чиқишда муҳим ўрин тутушини таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Сирдарё вилоятига таширфи доирасида Мирзаобод туманидаги “Бек кластер” масъулияти чекланган жамият шаҳидаги қўшма қорхона томонидан ташкил этилган пахтани қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди. Бу ерда меҳнат қўлаётган ходимлар билан мулоқот қилди.

2018 йилда Туркиянинг “SUMER” компанияси билан ҳамкорликда фойдаланишга топширилган заводда йилга 60 минг

тонна пахта қайта ишланади. Қорхонада 200 иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилги Сирдарё вилоятига таширфи доирасида “Бек кластер” қорхонасида бўлиб, уни янада ривожлантириш бўйича топшириқлар берган эди.

Президент қарори асосида “Бек кластер”га 18 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Масъулияти чекланган жамиятга қарашли қорхоналарда мингга яқин доимий иш ўринлари яратилган. Бундан ташқари, 1 минг 800 нафар киши масъулий ишларга жалб қилинади.

Янги завод пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлайди. Аҳамиятли томони, бу ерга ўрнатилган замонавий ускуналар пахта таласини сифатли қайта ишлаш баробарида, энергия тежамкор ҳамдир.

Қишлоқ ҳўжалигига илмий ёндашиш доимий эътиборимизда бўлиши керак. Бусиз юқори ҳосилдорликка эришишнинг илоҳи йўқ. Шу жиҳатдан “Бек кластер” қорхонаси томонидан илмий муассасалар билан ҳамкорликдаги ишларни қўллаб-қувватлаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизга “Бек кластер”да истикболда амалга оширилиши ҳўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, кластер қошида давлат-хусусий шериклиги асосида коллеж очиш режалаштирилган. Бу ерда кластерга қарашли қорхоналар учун малакали мутахассислар тайёрланади.

Сирдарё вилоятида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Жўмладан, паррандачилик, чорвачилик, балчиқчилик, уруғчилик ва узумчиликни ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ер майдонларини қайта ўзлаштириш, “Хар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича аҳолининг томорқадан самарали фойдаланишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши яна минглаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Шу ерда қорабайир отлари, қорамол,

эчки, туяқуш, қўён ва бедана зотлари на-мойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари бу жониворларнинг махсулдорлиги, тез кўпайиши, улар ҳар бир оила учун зарурлигига эътибор қаратади. Уй шaroитида чорва ва парранда боқишни кўпайтириб, аҳолини озиқ-овқат махсулотлари, қўшимча даромад билан таъминлаш мумкинлигини таъкид-ляди.

Гулистон шаҳри кун сайин чирой оч-моқда. Янги уйлар, иншоотлар, равон кўчалар, сайилгоҳлар, маҳаллаларда амалга оширилаётган ободлик ишлари ҳавас-га ариғулиқ.

Бу манзара Гулистоннинг “Буюк келажак” мавзесида янада ёрқин намоён бўла-ди. Янги мавзеда 2018 йили намунали лойиҳа асосида 5 қаватли 8 та уй қури-либ, фойдаланишга топширилди. 360 оила уйли бўлади. “Буюк келажак”да яна 7 қават-ли, 420 хонадондан иборат 10 та уй қури-лмоқда. Бу каби уйлар нафақат Гулистон-да, балки бутун вилоятда ҳам кейинги 25 — 30 йилда биринчи маротаба барпо этилаётир.

Президентимиз “Буюк келажак” мавзесида қурилган уйлар, янги қурилиш жараёни билан танишди.

Бу уйларни қуришдан мақсад аҳоли-нинг кўп йиллик орзуларини амалга оши-ришидир. Шунинг учун уларни сифатли, ҳар томонлама қўлай қилиб қуришимиз керак. Токи янги уйга кўчиб келган ҳар бир оила биздан рози бўлсин, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бу борада “Сирдарё тажрибаси”ни жорий қилиш ҳақида кўрсатмалар беради. Кейинги босқинда амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

“Guliston City” қурилиши лойиҳаси уч босқинда амалга оширилади. 2019 — 2022 йилларга мўлжалланган замонавий шаҳар-чаннинг умумий ер майдони 45 гектарга яқин бўлади. Бу ерда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, кўнғилхона маскан-лар, маданият ва бизнес маркази, анжу-манлар саройи, таълим ва тиббиёт муас-

AUKSION” электрон савдо майдончасида сотилган давлат мулк объектларига доир инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш харидор томонидан ўз зиммасига олинган махсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришнинг бошланиши ва янги иш ўринлари яратилишини назарда тутуви мажбуриятлар бажарилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

эркин айирбодланадиган валютада сотиш учун савдога чиқарилган ва савдода турган давлат акциялари пакетлари савдолардан олинмиши, уларнинг миллий валютадаги қиймати аниқланган ҳолда қайта баҳоланиши ва миллий валютада транкорий савдоларга чиқарилиши лозим;

ҳўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат акциялари пакетлари қонунчиликда назарда тутилган тўлов мuddатларини узайтириш ва чегирмалар тақдим этиш механизмлари қўлланилмаган ҳолда сотилади;

ваколатли давлат органлари қарорлари бўйича сотилган давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларини мажбурий равишда нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. **“Ноль” ҳарид қийматида сотишда, шу жўмладан, аввал сотилган давлат мулки объектлари бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилган деб қабул қилинган пайтдан бошлаб бир йил давомида янги иш ўринларини сақлаб қолиш** тартиби бекор қилинсин.

11. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорига Давлат активларини бошқариш агентлигининг тегишли мурожаати келиб тушган кўндан бошлаб ўн кўн мuddатда келишилишини таъминлаган ҳолда, Молия вазирлиги ва юқори турувчи манфаатдор давлат органлари розилигига мувофиқ, идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат кўчмас мулк объектларини (хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) бир давлат ташкилоти тасарруфидан бошқа бир давлат ташкилоти тасарруфига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

ладиган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти ва туманлар ҳокимлари, фаоллар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятининг саноат ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётга-ни, қишлоқ туманларда саноат деярли йўқлигини қайд этди. Шу боис махус ишни гуруҳнинг ўрганишлари натижаси-да 342 та ўрта ва йирик инвестиция ло-йиҳаси дастури ишлаб чиқилгани таъкид-ланди.

Хусусан, Сирдарё иссиқлик электр станцияси ва Фарҳод гидроэлектр стан-циясини модернизация қилиш, Сардоба сув омборида кичик гидроэлектр стан-цияси қуриш бўйича жами 275 миллион долларлик учта лойиҳани амалга ошириш бошланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Хи-тои, Италия ва Қозоғистондаги элчилари томонидан 30 га яқин лойиҳалар бўйича аниқ тақлифлар шакллантирилган. Президентимиз вилоятга қўшимча инвес-тициялар олиб келиш, тадбиркорлик ташаббусларини юзага чиқаришга кўма-клашиш, қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва томорқалардан самарали фойдаланиш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда маънавият, маданият, таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳи-да эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йиллар-да анъанага айланган хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги иход мактаби ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Йиғилганлар бу ташаббусни қизгин қўллаб-қувватлади.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига таширфи яқунланди.

Ў.З.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

◀1

Шу билан бирга, ялпи мажлисда Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитдилар.

Ялпи мажлисда Қашқадарё вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ҳам тингланганди.

Сенаторлар жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларини давлат рўйхати-дан ўтказиш, уларни солиққа тортишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шу-нингдек, умумтаълим мактаблари дарслик-ларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳукумат аъзоларига парламент сўровлари юбориш билан боғлиқ масалаларни муҳо-кама қиладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Сенатининг ваколат-ларига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва де-вонининг ўн саккизинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларни мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

СИФАТСИЗ УРУҒЛАР КИРИБ КЕЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида уруғчиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис давлатимиз раҳбари Олий Мажлиси Мурожаатномасида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратган эди.

Ҳар қандай тармоқ тарақ-қийёти унинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси билан чамбарчас боғлиқ. Лекин бундан 26 йил аввал қабул қилинган “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонун бугунги кун талабига жавоб бермай қолган ва ундаги механизмлар мукам-мал эмасди.

Мисол учун, ушбу Қонунда соҳага оид атамаларга қонуний изоҳ берилмаган, уруғчилик со-ҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, тегишли давлат органлари ва ташкилот-ларнинг ваколатлари акс этма-ган. Уруғлар тоифаланмаган, уруғчиликнинг объектлари ҳамда субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бел-гиланмаган.

Навларнинг генетик, экин-боплик сифатларини аниқлаш, уларни сертификатлаштириш тартиблари аниқ кўрсатилма-

ган. Шунингдек, уруғликларни реализация қилиш, четга олиб чиқиш ва олиб кириш ҳам ҳуқуқий тартибга солинмаган. Бу уруғ етиштирувчилар, тад-биркорлару истеъмолчилар учун қатор муаммоларни кел-тириб чиқаради.

Расман эълон қилиниб, қу-ча қирган “Уруғчилик тўғриси-да”ги Қонун юқорида қайд

этилган муаммоларни бартар-аф қилади, соҳани ривожлан-тиришга асос бўлади. Ҳужжатга тизимга оид ўнга яқин ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти сингдирилган. Шу билан бир қаторда, уруғ-чилик, элита, дуррагаи ва ори-гинал уруғликлар, популяция, уруғликларнинг генетик, экин-боплик сифати каби тушунча-ларга аниқ таъриф берилган. Уруғликларнинг тоифалари ҳам алоҳида кўрсатилган.

Унга кўра, қишлоқ ҳўжали-

гида экинларнинг навларини

тақор қўпайтириш босқинча-ларга қараб, уруғликларнинг оригинал, элита ва репродук-цион тоифалари фарқланмоқ-да. Уруғчиликнинг объектлари, субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланиб, тегишли давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг уруғ-чилик соҳасидаги ваколатлари ҳамда уруғчилик тизимини бошқаришнинг ҳуқуқий асосла-ри қамраб олинган.

Фақат шугина эмас. Уруғчи-лик фаолиятини ташкил этиш, жўмладан, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сак-лаш, реализация қилиш ва уруғлик экспорти учун қўлай шарт-шароитлар яратилишнинг ҳуқуқий пойдевори таъминлан-ган. Уруғни қўшимча қайта иш-лаш, яроқсиз ҳолга келганди-йўқ қилиш, янги ва истиқболли навлар уруғларини сертифику-лаш ҳамда экишга рухсат бе-

риш тартиб-таомиллари аниқ белгилаб қўйилган.

Қонунга мамлакатимизга си-фатсиз, экишга яроқсиз ва ка-салланган уруғлар кириб кели-шининг олдини олишга қара-тилган нормалар ҳам киритил-ган бўлиб, пахта, ғалла ҳамда картошкадан ташқари уруғлик-ларга чекловлар олиб ташлан-ди. Бу “Уруғчилик тўғрисида”-ги Қонун соҳада олиб бори-лаётган тизимли ислохотларга ҳамоҳанг дегандир. Зеро, бу жабҳада норматив-ҳуқуқий ба-зани янада такомиллаштириш, замонавий инновацион лойиҳа-ларни жорий этиш, уруғлик ге-нофондини сақлаш, самара-дорлигини ошириш, уруғларни реализация қилиш ва унинг экспорт қўламини кенгайти-ришга хизмат қилади.

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси.

СОҲАДАГИ МУАММОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМИ

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омиллари бор.

Шулардан бири — қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа экинларнинг уруғларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда сотиш, шунингдек, нав ва уруғлик назорати.

Буларсиз тармоқда силжиш се-зилмайди. Шу маънода, юртимизда уруғчиликни ривожлантириш бора-сида тизимли ишлар олиб бориляп-ти. Масалан, Инновацион ривожла-ниш вазирлиги ҳузурида Уруғчилик-ни ривожлантириш маркази ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўз навбатида, шу тармоқда тад-биркорлик фаолияти билан шугўл-ланаётган фуқаролар ҳар томонла-ма қўллаб-қувватланяпти. Кўчатҳо-налар ҳамда иссиқхоналарда уруғ етиштирувчи тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ҳам тақдим этилди.

Жўмладан, улар уч йил мuddатга барча турдаги солиқлардан озод қилинди. Натижада мамлакатимиз-нинг 31 туманида сабзавот ва по-лиз экинлари уруғларини етишти-ришга ихтисослаштирилган 40 дан зиёд ҳўжаликлар фаолияти йўлга қўйилди.

вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларига тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг мурожаатидан сўнг икки ой мuddатда балансда сақловчилар томонидан уларнинг тасарруфидаги ҳудудда жойлашган, белгиланган тартибда республика давлат бошқаруви органларига бириктирилган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) ижарага бериш таъминланмаган тақдирда, ушбу объектларни тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун бир йилгача бўлган мuddатга қонунчиликда назарда тутилган тартибда балансда сақловчилар учун ажратмаларни тегишли маҳаллий бюджетга йўналтирган ҳолда ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида сотиладиган давлат мулки объектлари тўғрисида тадбиркорлар ва аҳолини доимий равишда кенг хабардор қилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 19 февраль	

Марказий Осиё: МУШТАРАК МАҚСАДЛАР, ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК

Ўзбекистон бугун яқин қўшничилик, дўстлик таъминчиларига таянган ҳолда фаол ва прагматик ташқи сиёсат олиб бормоқда. Сўнгги икки ярим йил минтақада ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича тарихий ва жадал ўзгаришлар даври бўлди. Марказий Осиё давлатлари ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда аниқ мақсадли стратегик шериклик муносабатлари қарор топди. Савдо-иқтисодий, энергетика ва ма-

даний-гуманитар йўналишлардаги ҳамкорлик янги суръатлар билан ривожланмоқда. Сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалаларида ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга эришилди. Транспорт соҳасидаги турли чеклов ҳамда тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасида виза ва божхона тартиб-таомиллари соддалаштирилди, қўшимча ўтказиш пунктлари очил-

ди, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорт катновлари тикланди ҳамда бу борада ўнлаб янги йўналишлар очилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил 15 март куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви юқори савияда ташкил қилингани минтақа раънақида муҳим аҳамият касб этипти. Худди шу учрашунинг навбатдагиси жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари раҳбарлари ва ташқи сиёсат идоралари бошлиқлари учрашувлари ҳам мунтазамлик касб этипти. 2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилинди. Бу минтақавий ҳамкорлиқнинг янги босқичини бошлаб берган тарихий воқеа бўлди. Марказий Осиёдаги давлатларнинг ҳамкорликка самимий интилиши ва умумий келажақ учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор тараққиё-

ти ҳамда фаровонлигини мустақамлашда муҳим қафолат саналади. Савдо-иқтисодий алоқалар ҳақида сўз юритганда, республикамизнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2018 йилда 50 фоиз ортганини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳамкорлиқнинг ўсиш суръатларидан минтақадаги барча мамлакатлар реал фойда оляпти. Минтақавий алоқаларнинг кучайиши, бу — объектив, барқарор ва ортга қайтмас тенденциядир.

Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти ҳамиша ва бундан кейин ҳам минтақамизнинг бир қисми бўлиб қоладиган Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятни Афғонистон ҳукумати раҳбарлигида тинчлик музокараларини бошлаш заруратини қўллаб-қувватлашга даъват этди. Шу муносабат билан 2018 йилнинг март ойида Афғонистон бўйича ўтказилган юқори даражадаги Тошкент конференцияси замонавий Афғонистон тарихида халқаро миқёсдаги кенг қамровли анжуман бўлганини таъкидлаш ўринлидир. Конференция якуни бўйича қабул қилинган, унинг барча қатнашчилари яқдиди позицияси ифода этилган “Тошкент декларацияси” Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўзига хос Дастур бўлди.

Анжуманда бугунги замонавий шарт-шароитларда Марказий Осиё давлатлари халқаро хавфсизликни мустақамлаш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши таъкидланди. Терроризм ва экстремизм хавфи тарқалишининг олдини олиш, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айлиниши, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, уюшган жиноятчилик, одам савдосига қарши курашиш ҳамда ахборот соҳасидаги таҳдидларга барҳам бериш ана шулар жумласидандир.

Форум қатнашчилари Марказий Осиё хавфсизлиги глобал хавфсизлиқнинг ажралмас қисми эканлигини алоҳида қайд этишди. Минтақа мамлакатлари янги таҳдид ва хавфларнинг олдини олиш, шунингдек, халқаро ҳамда минтақавий ташиқлотлар билан муносабатларда яқиндан ҳамкорлик ўрнатиши мақсадга мувофиқлиги билдирилди.

Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ҳамда БМТ Бош қотибининг махсус вакили, Марказий Осиёда прерентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман нутқ сўзлади.

Конференциянинг биринчи кунинда “Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлиқнинг янги суръати — минтақага назар” мавзусида ялпи мажлис ўтказилиб, унда Марказий Осиё давлатларининг таҳлилий марказлари раҳбарлари сўзга чиқди. Шунингдек, минтақавий ҳамкорлиқнинг ҳозирги ҳолати ва хавфсизлик, савдо, транспорт, сувдан фойдаланиш, таълим ва илм-фан соҳаларида алоқаларни мустақамлаш масалалари бўйича ҳам мажлислар ташкил этилди. Уларда мамлакатимиз ҳамда хорижлик олимлар, нуфузли экспертларнинг маърузалари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Форум бугун ўз ишини давом эттиради.



Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

— Минтақамизда халқаро терроризм, экстремизм ва наркобизнес таҳдиди мавжуд. Ўнлаб йиллар давомида замонамизнинг энг мураккаб муаммоларидан бири — афгон моҳароси ҳал этилмай келинган. Шу нуктаи назардан олди-

мизда ушбу долзарб саволлар турибди. Бизнинг минтақа қай даражада барқарор ва аниқ келажакка эга? Қандай умумий таҳдидлар кутиб турибди? Ушбу саволларга жавоблар асосий минтақавий муаммолар ва Марказий Осиёдаги барча

давлатлар тинчлиги ҳамда фаровон ҳаёт кеңириши йўлида келгусидаги ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш учун ўта муҳимдир. Ўзбекистоннинг минтақадаги мамлакатлар билан ҳамкорлиги стратегик шериклик характерига эга. Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти ҳамиша ва бундан кейин ҳам минтақамизнинг

бир қисми бўлиб қоладиган Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқ. Хавфсизлик, савдо, транспорт, сувдан фойдаланиш, таълим ва бошқаларга доир долзарб масалалар бўйича самарали ишлаётган кўп томонлама шериклик механизмлари минтақамизнинг ажралиб турадиган жиҳати бўлиши лозим.

Мариан АБИШЕВА,
Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Дипломатия институти директори:

— Жуда тўғри формат танланган — ўзаро муштараклик. Шунчаки кооперация ёки интеграция эмас, балки айнан бундан-да кенгроқ маънога эга ва минтақанинг умумий келажагини қуриш учун ҳамкорликдаги интилишларни англатадиган ўзаро муштараклик. Олдимизда, афсуски, узок йиллар давомида йиғилиб қолган, жуда секин амалга оширилган, баъзилари умуман ҳал этилмаган вазифалар турибди. Ҳозир, ҳусусан, Ўзбекистон Президентининг кенг қўллаб-қувватлаши билан ушбу масалаларга конструктив ёндашиш ва уларни кун тартибига киритиш бошланди. Бу ҳақда кўпчилик гапирмоқда. Конференция доирасида хавфсизлик, сув-энергетика ресурслари, ёшлар сиё-



сати соҳаларидаги ҳамкорлик жиҳатлари муҳокама этиляпти. Қозоғистонда Марказий Осиёдаги жараёнлар неқибинлик билан қабул қилинаётир. Албатта, ҳам ички тараққиёт, ҳам ташқи таҳдидлар билан боғланган қаҳриқлар бор. Аммо шу билан биргаликда, инсонларнинг катта салоҳияти, ресурслар, энг асосийси, мамлакатлар келажаги йўлида биргаликда, ҳамжиҳатликда ишлаш истиғи мавжудлиги билан боғлиқ улкан имкониятлар ҳам мавжуд.

Наталья ГЕРМАН,
БМТ Бош қотибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиёда прерентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари:



— Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда кенг қамровли ишлохотлар амалга ошириляпти. Ташқи сиёсатда халқаро ҳамжамият билан ўзаро алоқаларни мустақамлашга қаратилган янги ташаббуслар илгари сурилмоқда. Мазкур конференция Ўзбекистон ҳамда бутун минтақа ўзаро ҳамкорлиқнинг янги чўққилларини забт этишига содиқлиги ифодасидир. Охириги икки-уч йилда Марказий Осиёда икки ва кўп томонлама ўзаро алоқалар сезиларли равишда ўсди. Минтақага дахлдор турли соҳаларга оид олдинги масалаларни ҳал этишда жиддий юксалиш учун имкониятлар очилляпти. 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган ва минтақавий ҳамкорлик “қайта туғилиши”нинг ўзига хос рамзига айланган халқаро конференция натижаларини кўриб турибмиз. “Самарқанд руҳи”, бу — янги ўзаро алоқалар, инвестициялар, халқаро қизиқиш ва қўллаб-қувватлаш, энг асосийси, Марказий Осиёдаги барча одамлар яхши ҳаёт кеңириши учун янги имкониятлардир.

Қайд этиш жоиз, терроризм ва экстремизм таҳдиди долзарб муаммолардан бири бўлиб қоляётир. Уни фақат минтақавий ҳамкорлик воситасидагина тўлиқ ҳал қилиш мумкин. БМТ, ҳусусан, БМТнинг Марказий Осиёда прерентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ўз саъй-ҳаракатлари билан дунёдаги биринчи ва ноёб бўлган ҳаракатларнинг минтақавий қўшма режаси асосида мамлакатларни Марказий Осиёда Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга оширишни қўллаб-қувватламоқда. БМТ Марказий Осиё республикаларининг тинчлик, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш бўйича қайта тикланган содиқлигини оқшлялайди. Биз сиёсий платформамиз ва прерентив мандатимизни тақлиф қилган ҳолда минтақа давлатларини бундан бунён ҳам қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:

— Минтақада шубҳа-гумонлар, носоғлом рақобат, яшрин, баъзан, очикчасига келишмовчилик ўрнини қисқа вақт ичида эзгу ирода, ишонч, муаммоларни биргаликда ҳал этишга интилиш эгаллади. Хорижлик ҳамкасблар билан учрашувлар чоғида Марказий Осиёдаги етакчилик билан боғлиқ саволни эшитиб қоламиз. Менинг фикримча, бундай фикрлаш усули эскирган қарашларнинг қолдиқларидир. Ишлохотлар — югуриш бўйича мусобақа эмас. Ишончим комилки, минтақадаги исталган мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий модернизация борасидаги муваффақияти тўғрисидаги барчаннинг манфаатларига,



эта оладиган ушбу тенденциядан фойдаланиш ва мазкур омилни ишга солиш лозим. Масалан, ўтган йили парламентларнинг халқаро ишлар бўйича қўмиталари йиғилишида Қозоғистон Сенати қўмитаси раҳбари хорижлик туристлар учун ягона визани киритиш амалиётини йўлга қўйиш тақдирини айтиб ўтди. Бугун ушбу ташаббус ҳаётга татбиқ этиляпти.

Парвиз МУҲАММАДЗОДА,
Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директори ўринбосари:



Осиё мамлакатларини умумий чегаралар, тарих ва маънавий мерос, сув ҳавзалари, автомобиль ва темир йўллар, қишлоқ ҳўжалиги тизими ҳамда

— Мазкур тадбир Ўзбекистон томонини ташаббуси билан ўз вақтида ташкил қилинган ва бу жуда долзарб. У минтақавий муаммоларни ечишга ихобий ҳисса қўшайди. Марказий

ички бозор, ижтимоий-иқтисодий муаммолар бир-бирига боғлаб туради. Мана шундай шароитда ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳал қилувчи омилга айланади. Ўзбекистоннинг, айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан ташқи сиёсатини фаоллаштириши минтақавий ўзаро ҳамкорликка янги туртки бери. Минтақадаги қўллаб-қувватлаш ва эксперт-таҳлил марказлари замонавий воқеликлар ҳамда тенденцияларни инобатга олган ҳолда, минтақавий сиёсатга нисбатан мутлақо янги концепциялар ва ёндашувларни ишлаб чиқмоқда. Халқаро экстремистик ва тер-

рорчилик ташиқлотларининг республикаларга бузғунчи таъсир кўрсатаётган киберҳўжумлари га қарши курашиш учун Марказий Осиё мамлакатлари ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Нафақат миллий ИТ-сегментларни ривожлантириш, балки МДХ, ШТ- ва бошқа ташиқлотлар доирасида ахборот хавфсизлиги ҳамда сиёсий коммуникацияларнинг биргаликдаги мажмуаларини ишлаб чиқиш ҳам муҳимдир.

«Халқ сўзи» муҳбири Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.

Суратлар муаллифи Ҳасан ПАЙДОЕВ.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ФАН ВА ТАЪЛИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навойий бўлими ва Жанубий Кореянинг “JongWoo Green Co., LTD” компанияси таъсисчилигида МЧЖ шаклидаги “JongWoo Green — Navoiy Science” қўшма корхонаси фаолият бошлади.

Ўзбекистонлик агроном-мутахассислар Жанубий Кореяда малака оширади

Ушбу муассаса Навойий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида гидропоника усулида ташкил этилган иссиқхоналарда ишлаётган мутахассисларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириб боришни мақсад қилган. Шунингдек, корхона уч гектарлик янги “ойнаванд дала”ни қуришдан бошлаб тайёр ҳолга келтиришгача бўлган жараёни ўз ичига олган тажриба-амалиётни биргаликда олиб боради. Ушбу замонавий ўқув-тажриба маркази Ўзбекистон Фанлар академияси Навойий бўлими негизида очилди.

“JongWoo Green Co., LTD” компанияси Сеул университетининг агрофакультети олимлари иштирокида Навойи шаҳрида ҳамда иссиқхоналар кўп бўлган туманларда сайёр ўқув жараёнларини ташкил этади. Бинобарин, ҳар йили 10 нафар ўзбе-

кистонлик иқтидорли агроном-мутахассис аниқланиб, қўшма корхона ҳисобидан Жанубий Кореяда бепул 3 — 6 ойлик дастурлар асосида малака оширади. Бундан ташқари, синовлардан муваффақиятли ўтган тингловчилар Сеул университетининг икки йиллик курсларида ўқитилиши кўзда тутилмоқда. “JongWoo Green — Navoiy Science” қўшма корхонасининг Низом жамғармаси 800 минг АҚШ долларига тенг. Фанлар академияси Навойий бўлими 25 фоиз улушга эга. У илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда қўшма корхона тўлақонли фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ўқув хоналарини ажратиш билан иштирок этади.

Фазлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Қандли диабет оқибатларига қарши махсус пойабзал

Бухоро муҳандислик-технология институти докторанти Мадинабону Муҳаммедова қандли диабетга чалинган беморлар учун махсус пойабзал яратди.

— Бу пойабзал оёққа тушадиган босимни пасайтиради, тоғондаги қон айланшини яхшилайди, — дейди ёш оlima. — Тажриба-синовларимиз самарали бўлди, беморлар оёғидаги жиддий яллиғланишлар

бир ойда барҳам топди. Бухорода бўлиб ўтган “Киш — 2019” кўргазмасида ушбу янгилик кўпчиликнинг эътиборини тортиди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

100 ТА ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Матлуба Ҳотамова — Бухоро давлат тиббиёт институтининг тажрибали доцент-ўқитувчиси. Бир неча йилдан буён шогирдлари билан бирга ўсмир қизлар гинекологияси бўйича изланишлар олиб боради. Ушбу ёшдаги қизларнинг саломатлигига эътиборли бўлиш, оналарнинг эса мазкур масалаларга жиддий аҳамият қаратиши тарафдор.

Танлов

— Менталитетимиз билан боғлиқ шундай тушунчалар борки, ёш қизларнинг шифокор хузурига боришини унчалик ҳам тўғри деб ҳисобламайдиган айрим оналар уларда учрайдиган кўплаб гинекологик касалликларнинг кўпайишига сабаб бўляпти, — дейди М. Ҳотамова. — Шунинг учун ҳам масалага, айниқса, мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари-

да жиддий эътибор қаратиш лозим. Лойиҳам доирасида вилоятимизнинг Олот ҳамда Қорақўл туманларида бўлиб, ўсмир қизларнинг саломатлигига оид рақамлар билан таънишдим. Афсуски, уларда ўсмир қизлар шифокори ҳақидаги қарашлар шакланмаган. Вақтида қилинмаган муолажа эса кейинчалик қизнинг оиласи барбод бўлишига, ўзи-

нинг саломатлиги билан боғлиқ жиддий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Доцент М. Ҳотамова мазкур ижтимоий лойиҳасини Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон ихтирочи аёллари маркази томонидан ўтказилаётган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” республика танловининг якуний босқичига тақдим этди. Танлов турли соҳаларда фаолият юритиб, истиқболли гояларини ҳаётга татбиқ қилишга интиляётган юзлаб фаол хотин-қизларни бир майдонга жамлади.

Жиззах давлат педагогика институтини ўқитувчиси Гулмира Азаматова эса хотин-қизлар-

учун, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки хорижий кредит линияси шартлари қуйидагилардан иборат. Аввало, мазкур линия Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини модернизациялаш, техник ва технология жихатдан янгилашни таъминлаш учун ресурсларни жалб этишни кенгайтириш, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда энергия тежовчи асбоб-ускуналар ва технологияларни амалиётга қўллашни жадаллаштиришга қаратилгани билан алоҳида ажралиб туради. Кредит линиясининг умумий миқдори 25 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Битта лойиҳа учун 10 млн. АҚШ долларигача маблағ берилади. Кредит муддати лойиҳанинг ўзини ўзи қоплашидан келиб чиққан ҳолда 10 йилгача ва пул ўтказиш йўли билан АҚШ долларида тақдим этилади. Имтиёзли даври эса 3 йил. Мижозэли лойиҳадаги улуши ҳамда 25 фоиз бўлиши талаб этилади. Кредит фоиз ставкаси лойиҳа

НАМUNAЛИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Косонсой туманининг Ҳуррият маҳалласидаги Саидметовлар оиласи энергия ресурслари ва ичимлик суви тўловини амалга оширишда намуна кўрсатгани учун МИБнинг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи ташаккурномаси ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Ойнинг ўзинчи санасига қадар тўловларни амалга оширишни одат қилганмиз, — дейди намунали истеъмолчи Баҳромжон Саидметов. — Кўрсатилган рағбатдан хурсандмиз.

Янгилик сифатида МИБнинг Наманган вилояти бошқармасида бундай тадбирлар энди ҳар ойда амалга оширилиши белгиланб олинди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Китоб жавонингизга

Хар бир даврнинг ўз юксалиш омиллари, эҳтиёжлари, талаблари ва ҳаётий тамойиллари бўлади. Шу нукта назардан ўтган икки йилдан зиёд муддат Ўзбекистоннинг тарихий тараққиётида бутунлай янги босқични бошлаб берди. Чунки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси ва муаммоларини чуқур ўрганмай туриб, уларга адолатли ҳамда оқилона ечим топиш имконсиз.

«ТАМАДДУНГА ДАЪВАТ»

Қолаверса, юртимизни ривожланган давлатлар сафига қўшишни мақсад қилар эканмиз, ислохотларнинг кейинги ўн йилликлар мобайнидаги муваффақиятига асос бўладиган стратегик дастур керак эди!

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси айтиш шунга зарурат туфайли юзага келди ва у мам-

лакатимизнинг узоқ йиллардаги тақдири ва истиқболига асос бўладиган энг муҳим устувор йўналишларни қамраб олди.

Сийosatшунсо олим Нарзулла Жўраевнинг “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган “Тамаддунга даъват” монографиясида мазкур муҳим дастурнинг тарихий, фалсафий, ижтимоий ва маънавий-маърифий жиҳатлари, Ўзбекистоннинг буюк кела-



жагига қаратилган ҳамда замонавий тамаддунга даъват этувчи гоёлари тадқиқ этилади. Китоб содда, раvon, жўшқин илмий-публицистик услубда, оммабоп қилиб ёзилгани билан кенг ўқувчилар оммасига манзур бўлиши, шубҳасиз.

М. ҚИРГИЗБОВ.

«ЖИЛҒАЛАР ҚЎШИҒИ»

Истеъдод — неъмат. Ижодкорлик — саодат. Эътибор ва рағбат, имконияту имтиёзлар эса қалам аҳлига ҳамisha илҳом бағишлайди.

Шу маънода, бугунги ижодкорлар, хусусан, бу соҳага дадил қадамлар билан кириб келаётган, парвозга шайланаётган навқирон авлод вакиллари ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Муҳими, сўзнинг латофати, жилоси, нозик маъно қирраларини чуқур англаб, теран ҳис этиб, буни ўз назми ва насрий асарлари орқали ўқувчилар билан баҳам кўраётган йигит-қизларимиз кўп.

“Ёшлар нашриёт уйи” томонидан чоп этилган “Жилғалар қўшиғи”

номли ёшлар альманаҳида республикамизнинг турли вилоятларида яшаб ижод қилаётган шундай истеъдод ағаларининг сара асарлари жамланган. Жами етмишдан зиёд шоир ва ёзувчи йигит-қизларимизнинг ижод намуналарини ўз ичига олган ушбу китобни varaқлаб, бугунги фарзандларимиз ўз айтар сўзи, қатъий фуқаролик позицияси ва энг асосийси, ёрқин истеъдодга эга эканлигидан қувонасиз.

Ю. ЎРМОНОВА.

ЮРТИМИЗ ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИ ГЕРМАНИЯДА НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ

Германиянинг Маннхейм шаҳрида Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати кўргазмаси очилди.

“OPASCA GOS” компанияси ҳамда унинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур экспозициядан таниқли расомлар Мария Коровина, Муҳаммад ва Мурод Фозиловларнинг қирқдан ортиқ ижод намуналари жой олган.

— Тасвирий ва амалий санъат

дилларни дилларга боғлайди, уни ҳис қилиш, англаш учун мутар-

Кўргазма

жим керак эмас, — дейди лойиҳа ташкилотчиси Лев Свердлов. — Мазкур кўргазмадан кўзланган мақсад ҳам икки мамлакат ўрта-

сидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзбек тасвирий ва амалий санъатини тарғиб қилиш, немис халқини жаннатмонанд юртининг ўзига хос миллий удуллари, аънавалари сингдирилган асарлардан баҳраманд этишдир.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ тайёрлади.

Семинар

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА «АСАКА» БАНКИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ ҚАНДАЙ?



Бугунги шиддатли ислохотлар мамлакатимиз банк тизими олдида ҳам янги-янги талаблар қўймоқда. Хизматлар сифатини ошириб, унинг қўламини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорларга қўшимча қўлайликлар яратиш улар орасида энг муҳимлари саналади.

Шундай экан, молиявий хизматлар бозорида “Асака” банкининг позицияси қандай? Пойтахтимизда мазкур молия муассасаси томонидан “Банк стратегик бошқарувни такомиллаштириш” мавзусида ўтказилган икки кунлик семинарда шу каби долзарб саволларга атрафлича жавоб қайтарилди. Амалиётга бошқарув менежментининг илғор услубларини татбиқ қилиш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Қайд этилганидек, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, кейинги пайтда юртимиз банк тизими ислох қилиниб, молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш юзасидан кенг қўламини ишлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари

оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда хорижнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда, амалиётга инновацион хизматларни кенг қўллаш, хусусан, алоқа-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



сиз ва мобил технологиялар ёрдамида ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, “Асака” банки тизимда ана шундай илғор технологияларни жорий этиб келяпти. Улар, биринчи навбатда, транспорт, савдо, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида татбиқ қилинаётгани кутилган натижаларни бермоқда.

Яқин истиқболда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, инвестициявий жозибадорлик, барқарорлик ва ликвидликка эришиш, асосий кўрсаткичларни халқаро стандартлар даражасига етказиш банк фаолиятининг устувор йўналишига айланган.

Шу билан бирга, тадбиркорлик ҳаракатини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айнаси, оилавий бизнесга яқиндан қўмақ бериш, ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш, пировардида аҳоли ҳаёт даражасини яхшилашга

алоҳида эътибор қаратилаётир.

Чет эллик мутахассислар, соҳанинг етакчи экспертлари қатнашган семинарда ушбу йўналишлардаги масалалар атрафлича муҳокама этилиб, уларни ҳал қилиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда банк фаолиятидаги яна бир жиҳат, яъни ходимлар малакасини ошириш, филиаллар фаолиятини мақбуллаштириш, миқозлар билан самимий мулоқот ўрнатиш ҳисобига самарали хизмат кўрсатиб келинаётгани алоҳида эътироф этилди. Ўз навбатида, бу борада хориж тажрибасини янада чуқурроқ ўрганиш, чет эл ҳамда маҳаллий молия институтлари билан ўзаро тажриба алмашиш, бошқарувнинг самарали усуллари билан қўллаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси

томонидан **2019 йилнинг 14 февралдан 16 мартгача** «Ўздавнефтегазинспекция» назорат-кимё лабораториясидаги асбоб ва ускуналарни модернизация қилиш бўйича қуйидаги электрон манзиллар орқали тендер эълон қилинган:

uzngi.uz; xarid.uz; tenderweek.com; dgmarket.com



«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-CEMASH» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар

санчкили юклагичлар



Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар

гидравлика



Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси “O‘zbekiston” телеканали бўлим мудири Моҳинисо Камолова ва “O‘zbekiston 24” телеканали муҳаррири Маҳзуна Камоловага онаси

Тўхта ая ҚУРБОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.

E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Д. Улугмуродов.
Музаҳҳих — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.15 Топширилди — 02.55

1 2 3 4 5 6